

**СЕН БАҲОРНИ СОҒИНМАДИНГМУ?!! (АБДУЛЛА ОРИПОВНИ
ХОТИРЛАБ)**

Юсупова Мунаввара (Юсуф).

*Тўрткўл туман Ахборот кутубхона марказида фондларни ташкил қилиши,
сақлаши ва қайта ишилор берини хизмати раҳбари. Ўзбекистон ва Қорақалпогистон
Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоира*

" Парчагина булут, чексиз осмон
Адир ортидаги ёлғизоёқ йўл
Барча ташвишларни унугиб шодон
Қайтгим келаётир қошингга буткул..."

Бу сизнинг сўзингиз... Лекин бу сизнинг сўзларингизни мен ўзингизга айтмоқчиман, эй, буюк шоир! Нега-ки, бир саррин ел, бир майин шаббода бўлиб изладим... Сиздан қолган битта ҳақ сўз ҳеч хаёлимдан кетмайди :

" Қисмат майин ичдим аччиқ ва тахир,
Туйдим эҳтироснинг самовий кучин,
Дунёда одамзод яшамас ахир ,
Фақат иродасин синамоқ учун..."

Мен ҳам қисмат майин аччиқ ва тахирлиги учун сизга қочдим ва сиз менга эҳтироснинг самовий кучи бўлган шеърларингизни инъом қилдингиз. Бу куч менга ўз-ўзимни ҳаракатлантирувчи эзгу сўз, эзгу амал, эзгу вақтни тухфа қилди. Мен бу куч билан ўз-ўзимни кашф қилиб бордим. Сиз менга мактабдаёқ пайтимда қўл бердингиз. Сизнинг шеърларингизни ўқиб ёд олардим. У менинг қалбимга малҳам, руҳиятимга сардор эди. Мен нимага сўзимни сизнинг " Соғинч " деган шеърингиздан бошляпман... Ахир мен сизни соғиндим. Гарчи сиз мени билмасангиз-да, гарчи икки-уч йўла учрашган бўлсак-да , гарчи минг км бир-бировдан узоқда яшасак-да сизнинг сўзларингиз билан кунимни ўтказардим. Сиз билан бир суҳбатлашмоқ умиди мени тинч қўймасди. Талабалик йилларимизда дугонам Санамжон билан сизнинг уйингизга боришга аҳд қилдик. Ўзбекчилик қуруқ қўл билан бормаслик учун хрустал идишларни кўтариб олган миз. Излай-излай " Россия " меҳмонхонаси ёнидаги уйларнинг биридан топдик. Хаяжон билан "Сен кир ", " Сен кир" лаб бироз турдик. Эшик сигналини

босдик. Ҳанифа ая эшикни очди. Ҳанифа ая кўнгли очиқлик билан самимий кутиб олди. Ҳанифа ая ўзбек аёлларининг типик вакиласи сифатида меҳмондўстлиги билан ажралиб турарди. У шу қадар меҳрибон эди-ки, бу фазилатнинг акси чехрасида балқиб турарди. Суҳбат давомида у " Шоирни Фарғонадан битта муҳлиси келиб чойхонага олиб кетдилар.Шу томонда ошнинг тагига қараб, бу ердаги чойхонада пиширибида эканлар " - деди. Биз бу муҳлисга тасаннолар айтдик. Сўнгра "Ақчакўл илҳомлари" да Сизни кўп бор учратдик. Лекин сиздек улуғ шоир билан юзма-юз туриб гаплашиш биздек тухумдан чиқкан чиқмаганларга армон эди. Бир сафар Сизни топдик деганимизда биттаси келиб Сизни олиб кетиб қоларди... Пиширган ошимизга яна пашибаш тушарди. 2001- йил эди. Абдулла Орипов ижод ҳақида, бугунги танловда қатнашган ижодкорларнинг шеърлари хусусида гапирав экан , "... бу залда кўриб турибман бошқа шоираларимиз ҳам ўтирибди экан. Шуларга ҳам сўз берсак. Фақат икки бандли шеър ўқисалар, марҳамат ким чиқади...."- дедингиз. Менинг олдимда устозим, Қорақалпоғистон халқ шоираси Гулчехра Раҳимова ўтирганди. Мен унга қарадим. У эса менга қараб "чиқ" дегандай ишора қилди. "-Мен сизни юзингизга оёқ кўйиб чиқиб кетолмайман. "- дедим. Шу пайт саҳнага Рӯзагул Эгамбердиева отилиб чиқди. Ичимда бир нима шим этиб узилиб кетгандай бўлди. У узундан узоқ бир достон ўқиди. Шоир асабийлашди ва у шеърни ўқиб бўлгандан кейин ҳеч кимга сўз бермади ва ҳеч ким мен чиқаман дейишгая журъат ҳам қилолмади...2001-йилдаги бутанлов билан боғлиқ воқеалар(Бу Муҳаммад Юсуф билан боғлиқ.) Бу ҳақда кейинги мақолаларимда айтиб ўтаман.

2005-йилда эса " Тўрткўлим " деган ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий, бадиий журнални Тўрткўл маҳаллий телевидениесининг директори Муҳаммад Соли бошчилигига чиқарадиган бўлдик. Дастур режасида эл таниган машҳурларнинг Тўрткўл ҳақидаги фикрларини бериш ҳам кўзда тутилган эди. Дастур тасдиқдан ўтгандан кейин оёғимга жон, нафақат оёғимга балки жисму жонимга жон кирди. Нега деганда Тошкентга , устоз ёнига бораман. Гўё совуқда қотиб қолгандек, севган ёзувчи ва шоирларимни кўраман деган ўй- фикр бутун вужудимни илитаётган эди. Дастлаб метрода Ёзувчилар уюшмасининг кичик бир заҳматкаши Рустам Мусурмон билан учрашиб қолдим. Ёзувчилар уюшмасига (у вақтда Ёзувчилар уюшмаси Мустақиллик майдонида эди) ўтамиз деб, турсак профессор Отаназар Матёқубовни кўриб қолдик. Ундан ҳам дастхат олдик. У Тўрткўл ҳақида шундай яхши фикр билдириди..."Мен Тўрткўлнинг Аллоҳ назари тушган ер, қадим Хоразм заминидаги ўзига хос истеҳком эканлигига бир неча бор имон келтирганман. Уни Октябр тўнтаришидан аввал бебахтлиқда баҳти чопган юрт, деб айтса ҳам бўлади. Тўнтаришдан кейин эса энг зўр одамлар шу ердан қўним топганлар. Ана шуларда асл

Хоразмнинг руҳи сақланиб қолган. Яхши маънодаги эзгу ишларнинг авлоддан авлодга ўтиши, давомийлиги суннат хисобланади. Ўйлаймизки, бундай илоҳий суннатларга Тўрткўл муқаддас бешик бўла олади. Мен бу гапларни шоир укам Рустам Мусурмон гувоҳлигига юрагимнинг тўридан чиқариб айтдим."

Сўнгра биз Рустам Мусурмон билан ёзувчилар уюшмасига келдик. Рустам мени сизнинг олдингизга олиб кирап экан,

"- Қорақалпоғистоннинг яна бир шоираси - Мунаввараси , - дея танишитириб, чиқиб кетди. Сизнинг ҳорғин нигоҳингизга боқар эканман, мен йиллаб кутганим бу дийдорнинг ташвишлари кўп эканлигини англаб етдим. Устозга 2003-йилда Урганч давлат университетининг нашриётида чоп этилган " Тўрткўл зминидаги буюклар" рисоламни тақдим этдим. Суҳбатни қисқа қилиш учун ташрифимдан мақсад "ТЎРТКЎЛИМ " журналини чиқариш ва унда сизнинг ҳам бу ўлка ҳақидаги фикрларингиз жой олиши кераклиги ҳақида гапирдим. Сиз рисолани бир-бир варақлаб кўрар экансиз, " Раҳмат " деб, кўйдингиз. Ва оқ қоғозга ёза бошладингиз:

" Ҳар гал бағри бепаён, сахроси каби кенг, қорақалпоқ диёрига борганимда унинг гўзал табиатидан мафтун ва танти фарзандларининг меҳмондўстлигидан мафтун бўлганман. Қадимий ва навқирон Тўрткўлга ташрифларим ҳам бундан мустасно эмас. Мен Тўрткўлнинг шу ўлка фахрига айланишини тилайман! "

Шундан кейин унинг ўринбосари севимли шоиримиз Сирожиддин Сайид ҳам шундай деб ёзиб берди: "- Шоира синглимиз хузуримга келиб, Тўрткўл ҳақида фикрлар ёзиб беришни сўраганида қуидаги мисра туғилди:

" Балки Тўрткўл эрур,
балки тўрт гулдир,
Бахту Истиқболга
туташ тўрт йўлдир.

Юртни юраклар юксалитиражаклар. Тўрткўл заминининг гуллари ҳам, йўллари ҳам диллари ҳам сўлмасин, ҳам сўнмасин. Тўрткўлликларга юксак кўнгил ва баланд омадлар доим ёр бўлсин! "

Менинг севган ёзувчим Аҳмаджон Мелибоев эса: "- Мен Тўрткўлдаги бир расмий маросимда қатнашган эдим. Ҳаво серёғин келган, пилла териш мавсуми эди. Одамлар пиллани жаладан сақлаб қолиш учун ўз уйидаги энг қимматбаҳо кигиз, наматларини олиб чиқиб, ипак қурти хом ашё ўраётган маҳсус сўриларга ёпишган. Мен бу ҳақда, халқнинг ушбу фидойилиги ҳақида ёшлар газетасига катта мақола ёзганман. Шунингдек қорақалпоқ адабий мухитининг катта ва бир муҳим бўлаги Тўрткўлда эканлигини ҳам яхши биламан. Қорақалпоғистон ҳақида ўйласам негадир Тўрткўл кўз олдимга келаверади..."

Ўзбекистон халқ шоираси Ҳалима Худойбердиева эса:

"- Яқинда Тўрткўл ҳақида сұхбатлашганимизда ушбу сатрлар туғилди:
Тўрткўлнинг тўртта ғози
нозланиб сузар бўлсин,

Кўпкарида тўрткўллик

Учқурлар ўзар бўлсин!"

Биз ҳамиша тўрткўлликларнинг яхши кунлари, байрамлари, базму жамшидларига гувоҳ бўлайлик!"

Шунингдек журнални Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ шоири, Ўзбекистон Қаҳрамони Ибройим Юсупов, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ ёзувчиси Ўзбекистон Қаҳрамони Тўлепберген Қайипбергеновнинг ҳам қалб битиклари безаб турибди. Мен буларни нимага ёзаяпман? Юртим одамлари сизни жуда ҳам яхши кўрарди. Китобхонларнинг кўлларидан сизнинг китоб тушмасди... Ахир эл дардини элнинг тилида ёздингиз... Тақдирингиздаги турли хил нағмалар, сўз ўйинларидан ўзингизни асраёлмадингиз... Суянганингиз табиат бўлди. Суянганингиз баҳор бўлди. Тошкентга бир борганимда сизни суриштирсам касалхонада, дейишди. Олдига одам қўймас эканлар, дейишди. Орзу-армонлардан ўраганим оппоқ рўмолим "бошимдан сирғалар экан" яна уни ўраш учун шеъриятингиз бўстонига юз тутдим.:

"Табиат ишончдан айирма сира,
Айирма ўчмасин дилдан шукуҳинг,
Бенишон йўқолиб кетгандан кўра
Яхши-ку тентираб юрса гар руҳинг.
Тимқора осмонга ой чиқса дилбар,
Заминга тўкилса нури сар-сари.
Булутлар ортидан боқолсанг агар,
Абадий йўқликдан афзал-ку бари.
Сен юрган боғларни бахтга тўлдириб,
Сайр этса шомларда дўст ила ёрон.
Уларни ўргулсанг шаббода бўлиб,
Ахир бу толенинг нимаси ёмон.
Бир куни фарзандинг ўксик дилида,
Уйгонса ғамларни енгган муҳаббат.
Капалак мисоли учиб йўлида,
Сен уни қутласанг, ахир бу не бахт.
Ғамгин ва беиқбол ёринг оҳ уриб,
Болишга бош қўяр кўз ёши тахир.
Сен унинг тушига билдиримай кириб,
Тасалло беролсанг саодат ахир.
Сен-ки, хор вужудни бир кун табиат,
Юлқиб оларкансан дилбар ҳаётдан
Мени шу ишончдан айирма факат,
Айирма, сен мени шул бир бисотдан..."

Шоирим сиз Аллоҳнинг сўзларини айтганингиз учун ҳам мен учун жуда қадрлисиз. Муқаддас Қуръони Каримнинг "Кофирун "-109-сурасининг маъноси: Макка мушриклари Мухаммад (с. а. в) га бир шарт кўйиб, шу шартга Мухаммад (с. а. в.) рози бўлса Мухаммад (с. а. в)нинг роббисига ибодат қилишларини, айтишади. Уларнинг шарти бўйича бир йил Мухаммад (с.а.в) уларнинг бутларига сифинишини, кейинги йил улар Мухаммад (с.а.в)нинг Раббисига сифинишини айтадилар. Ана шунда Аллоҳ таоло ўз пайғамбарига ширк аралашган бундай ибодатдан кўра, ҳозирча ҳар икки тараф ўз динида қолиб, ўз динининг афзаллиги ҳакида ўйласин, деган хабар берган.

Устозим, сизнинг эса "Дунёни қизғанма " шеърингизда ҳам худди шундай маъно мужассам бўлган, десам муболага бўлмайди.

" Дунёни қизғанма, мендан азизим,
Мен сенинг кўчангдан ўтмасман зинхор,
Менинг бу оламда ўз айтар сўзим
Ва ўзим сифинар мозорларим бор...

Дунёни қизғанма мендан азизим,
Сен ичган булоқдан ичмасман асло,
Сен юрган тоғларда қолмагай изим,
Сен кечган дарёдан кечмасман асло.

Дунёни қизғанма мендан азизим,
Қалбингни ёқмасин шубҳа ва сўроқ,
Мен ўзга манзилга тикканман кўзим,
У сенинг кулбангдан жуда ҳам йироқ. "

Энди тасаввур қилинг. Сизни ўз йўлига солмоқчи бўлган "мушрик " у душманни ёки рақиб... худди "Кофирун "дагидай, пайғамбаримизга буюрилганидай иш тутдингиз. Қаранг-а, хаётнинг "... сени ютаман..." деган ҳар қандай гирдобларининг даҳшатига қарамай, эътиқодингизнинг событлиги, мустаҳкамлиги, ўз қалбингизга, ўз йўлингизга бўлган садоқат ва муҳаббатингиз ўзининг кадди бўйини халқингизга кўрсатди ва яна ҳали узоқ асрларгача кўрсатиб тура олажак.

Сизнинг ҳар бир сатрингиз юракларга малҳам бўлиб боради. Тақдирни қаранг-ки, Дўрмонда бир ҳафта турганимда мана шу уй шоирингизни, лекин у ҳозир Америкада даволанишда дейишиди. Қисқаси ҳар борганимда сизни тополмаган бўлсан, тасодифни қаранг-ки, ҳар маъракангизга қатнашиш менга насиб этди. Майитингиз чиқадиган куни Дўрмонда эдим. Отинойилар десам, жанозага келган ҳар бир аёл биргаликда саловот айтиб ўтиришарди. Уларнинг овозлари ҳалигача қулоғимдан кетган эмас. Уйнинг олдида жаноза ўқилди. Дўрмон ижод

уйининг расмий биноси олдида митинг бўлиб ўтди. Жаноза шундай чиройли, маданиятли бўлиб ўтдики, мен жуда ҳам ҳайрон қолганман. Факат Юлдуз қизингиз массичан чиқиб, сизнинг изингиздан югуриб келиб, митингда қатнашди. уйингизда бўлиб ўтган етти маъракангизга эса неварам Гули билан келиб қатнашиб, сизнинг ҳақларингизга дуо қилдик. Ана ўша ердаFaфур Гуломнинг Олмос қизини, Назира ас-Саломни, Ҳалима Аҳмедова, Азим Суюннинг рафиқаси Ойгул опани, Зебо Раҳимова, Бибисора Туробовани, устозим Раъно Раҳмонберди қизини умуман шоираларнинг ҳаммасини кўрдик ҳисоб. Сизнинг йил маъракангиз эса мен Тошкентта борган пайтга тўғри келган. Юртдошим шоира Айитжон Аллабергановани кўриш учун Дўрмонга боргандим. У: "-Хозир мана шу ерга машина келади. Абдулла Орифнинг йил маъракасига бориб келамиз. Маърака Наврўз ресторанида ташкил қилинган. Аёллар алоҳида жойда, эркаклар алоҳида жойда ўтиради"- деди. У менинг тортинчоқлигимни билиб ҳамма маълумотни бир пасда берди. Бизни у ерга битта машина олиб бориб қўйди. У ерда ҳам мен таниган ва танимаган шоиралар, республиканинг фаол аёллари жам эди. Нега мен булар ҳақда бунча кўп ўйлайман-а... Чунки хотирамнинг қатларида бир ёруғ нур бўлиб турибсиз...

Туманда бўлсин, қўшни вилоятда ёки бошқа туманларда бўлса ҳам сизнинг битта шеърингизни айтиб кейин ўзимникини айтаман.

" Осмон уфқларга сепар кул рангин,

Булутлар чопади ҳоргин, беэга,

Ҳаво нега бунча маъюс ,

Ҳаво нега бунча ғамгин

Оҳ мен сендан ажралдим нега... " Яна кўзларимда илиқлик пайдо бўлди. Йиғлаяпманми... Ҳа, чунки сиз менинг дунёмни, менинг табиатимни қўйладингиз. Баҳор эса сизнинг дунёга келган фаслингиз... Наврўз эса сиз туғилган кун.

"Мана бугун наврўзи олам,

Дўстларимга гуллар тутарман.

Қайлардасан, севгили эркам...

Қўлимда гул, сени кутарман,

Умрим бўйи чорлаб ўтарман:

-- Сен баҳорни соғинмадингму?"